“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ”
ТАРАҚҚИЁТ ТАҲДИДИГА ҚАРШИ КУРАШ – БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Бугун мамлакатимиз ҳаётида коррупцияга қарши кураш масаласи энг устувор йўналишлардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган қатъий сиёсат, қабул қилинаётган қарор ва ташаббуслар барча соҳаларда ҳалоллик, шаффофлик ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида жорий йилда мамлакатимизда “Коррупцияга қарши фавқулодда ҳолат” эълон қилинганини алоҳида таъкидлади. Давлат раҳбари бу борада қуйидаги сўзларни қатъият билан баён этди: “Такрор ва такрор айтаман. Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса – ислоҳотларимизга хиёнатдир. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026-йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қиламиз”. Бу сўзлар ҳар бир раҳбар ва ҳар бир ходим учун қатъий огоҳлантириш, шахсий масъулиятни англашга чақирикдир. Дарҳақиқат, коррупция нафақат иқтисодий ривожланишга, балки жамият маънавий пойдеворига ҳам салбий таъсир кўрсатади. У меҳнатга бўлган ишончни сусайтиради, ҳалол ишлайдиган фидойи кадрларнинг ташаббусини чеклайди ва тараққиёт суръатларини секинлаштиради.

Металлургия соҳаси мамлакат саноатининг таянч тармоқларидан бири. Ушбу тармоқда ишлаб чиқариш интизоми, қонунга риоя қилиш, тендер ва харид жараёнларида очиқликни таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Коррупцияга йўл қўйиш эса нафақат корхона манфаатларига, балки бутун мамлакат иқтисодиётига зарар етказади.
Коррупциянинг яширин, аммо энг хавфли кўринишларидан бири – манфаатлар тўқнашувидир. Бу ҳолат ходим ёки раҳбарнинг хизмат вазифаларини бажариш жараёнида шахсий, оилавий ёки яқин қариндошлик манфаатлари билан корхона манфаатлари ўртасида зиддият юзага келганда намоён бўлади. Айниқса, кадрлар тайинлови, шартномалар тузиш, харидлар ва молиявий қарорлар қабул қилишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш коррупцияга олиб келувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис, металлургия комбинатида ҳар бир ходим манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларни ошкора равишда маълум қилиш маданиятини шакллантириши зарур. Хизмат вазифасини бажаришда холислик ва адолат тамойилларига амал қилиш, шахсий манфаатларни иш манфаатларидан устун қўймаслик – бу нафақат қонун талаби, балки ҳар бир ватанпарвар ходимнинг маънавий бурчидир. Манфаатлар тўқнашувига нисбатан муросасиз муносабат коррупциянинг олдини олишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Комбинатимизда коррупцияга қарши курашиш фақат назорат ёки жазо билан чекланиб қолмаслиги лозим. Энг аввало, ҳалол меҳнат маданиятини шакллантириш, қонун талабларига қатъий амал қилиш, мансаб ваколатларидан шахсий манфаат йўлида фойдаланмаслик ҳар бир ходимнинг ички эътиқодига айланиши керак. Ҳар бир мутахассис, ҳар бир ишчи ўз меҳнати билан корхонанинг обрў-эътибори ва давлат тараққиётига ҳисса қўшаётганини чуқур англаши зарур.

Коррупцияга қарши кураш бу бир кунлик акция эмас, балки узлуксиз жараён. Бу йўлда барчамиз бирдам бўлиб, муросасиз позицияни намоён этсак, ишончли, шаффоф ва самарали ишлаб чиқариш муҳитини ярата оламиз. Зеро, ҳалол меҳнат ва пок ният билангина юксак натижаларга эришиш мумкин.

Акмал Шарипов, “ЎЗметкоминат” АЖ
Бошқарус раиси ўринбосари - Умумий масалалар бўйича директор